

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУХАНДИСЛИК ТЕХНИКА
ИНСТИТУТИ

“ТЖА” факултети

“СИЧТЭ” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: « **“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик
фаолиятининг узига хос жихатлари” мавзусини ўқитиш услубиётини
ишлаб чиқиш.**

Bajardi:

36-07 МИСguruhi talabasi

Абдиев К

(talaba ismi va sharifi)

Rahbar:

доц.Хамроев.Х.Р

(rahbar ismi va sharifi)

Бухоро-2010 й

Кириш.

I АСОСИЙ ҚИСМ:

1. “Тижорат-даллолчилик корхоналарининг иктисоди ” фанининг мақсади ва вазифалари.
2. **“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари”** мавзусининг мазмуни .
3. Мавзунинг ўқув мақсадлари.
4. Мавзунинг ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда дастлабки шарт-шароитлар.
5. Назарий машғулот технологик харитаси ва дарс ишланмаси.
6. **“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари”** мавзуни ўқитишда интерактив усулнинг моҳияти, мазмуни ва афзалликлари.
7. **“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари”** мавзусини ўқитишда “Кластер” методини қўлланиши.
8. Мавзу бўйича ўқувчи билими ва кўникмасини баҳолаш мезонлари ва материаллари.

II ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-

2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимиغا интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози салбий таъсир эта бошлади. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда, 2009 йилги иқтисодий дастурнинг устувор йўналиши – бошланғич таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш қилиб белгиланди.

Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳмасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузасида ... - Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий ахамиятга эга бўлган энг мухим ижтимоий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик урта махсус, касб-хунар таълим босқичини уз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-хунарларга

эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда. ” – деган эдилар.

Айтиш жоизки, ўтган йилларда таълим соҳасида туб ўзгаришлар амалга ошди. Жумладан, таълим сифатини ошириш, замонавий талабларга мослашган ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларини қўллаш тадбиқ этиляпти. Талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантириш учун ўқитувчи янги билимларни ўзлаштирган бўлмоғи керак. Талабаларни янгиликка интилувчан ва бунёдкор инсон сифатида тарбиялаш учун эса ўқитувчиларга янги дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда фанни ўқитишнинг замонавий технологиялари зарур бўлади.

Ушбу малакавий битирув ишининг долзарблиги талабаларнинг фаоллигини таъминловчи замонавий ўқитиш услубларининг мавжуд имкониятларни инобатга олиб, уларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитишга қаратилиши зарурлигидан келиб чиқади.

Малакавий битирув ишининг мақсади - **“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари”** ” мавзусини ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш.

1.1. “Тижорат-даллолчилик корхоналарининг иктисоди” ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

I Фаннинг мақсади ва унинг укув жараёнидаги урни.

1.1.Фанни уқитишдан мақсад

Тижорат-даллолчилик корхоналарининг иктисоди фанини уқитилишидан асосий мақсади жажон андозаларига мос, бозор ракобатига бардош берувчи махсулотлар ишлаб чиқаришдир. Шунга кура ижтимоий ишлаб чиқаришни тармоқлар буйича табакаланишига иктисоднинг ҳам шу тижорат даллолчилик корхоналарининг табакаланишига сабабчи булади.

Талабаларга тижорат даллолчилик корхоналарининг мустикал давлат иктисодида тутган урни, вазибалари ва роли, тижорат воситачилик фаолияти билан шугулланаётган товар-хом ашё биржаси, ярмарка, аукцион, кургазма, лизинг компаниялари ва шунга ухшаш бозор муносабатлари учун хос булган бошқарув, хисоб-китоб ва назорат (маркетинг, мониторинг)нинг ахамияти хакида тушунча хосил қилиш фаннинг мақсади хисобланади. Фаннинг урганадиган муаммолари олий таълим талаблари асосида аниқланган. Фанни урганиш жараёнида талаба қуйидаги асосий иктисодий категориялар, чунончи биржа, аукцион, ярмарка, лизинг, капитал маблағлар, жамгармалар, меҳнат ва моддий ресурслар, иш хақи, таннарх, фойда ва бошқаларни, ҳамда уларнинг амал қилиш механизмини урганади. Тижорат воситачилик корхоналари иктисоди укув фани сифатида ходимларни тайёрлашда зарур булган бир қатор фанлар билан боғлиқ.

1.2.Фаннинг урганадиган муаммолари.

Тижорат даллолчилик корхоналарининг иктисоди фани тижорат даллолчилик фаолиятининг бозор муносабатлари шароитидаги ахамияти, тижорат воситачилик фаолият функцияси, уларнинг шаклланиши

муаммолари ва уни урганишнинг шарт шароитлари ва муаммоларини урганади.

Унинг вазифалари ижтимоий иктисодий тараккиётини жадаллаштиришнинг объектив шароитлари билан белгиланади ва бозорнинг ривожланиш ва қарор топиш тарихий жабхалари, ишлаб чиқариш воситалари, мамлакатимиз ва хорижда тижорат- даллолчилик борасида тупланган тажрибаларни таҳлил этади.

Тижорат воситачилик корхоналари иктисоди фанни урганишда талабаларнинг қуйидаги масалалар юзасидан тайёргарликлари бўлиши зарур:

- Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига утишининг зарурияти, ахамияти тугрисида;
- Республикада бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш шакллари, шарт-шароитлари ҳақида;
- Мулк ва мулкӣ муносабатларнинг моҳияти, мулкдорлар синфини вужудга келтириш йуллари тугрисида;
- Бошқа иктисодий фан соҳаларидан, масалан иктисодиёт назарияси, молия, корхона иктисодиёти, биржа ва брокерлик фаолияти, банк иши, маркетинг, тармок иктисодиёти, менежмент каби фанлардан туплаган билимларини намоён қилиши;
- Тижорат воситачилик корхоналарини фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилган барча қонуний ва меъёрий ҳужжатлар юзасидан ахборотга эга бўлиш.

1.3.Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Тижорат- даллолчилик корхоналарининг иктисоди фани муайян иктисодий фанлар - ҳужалик фаолиятини таҳлил қилиш, статистика, бухгалтерия ҳисоби молия, кредит, меҳнатни илмӣ ташкил қилиш, корхона иктисоди, меҳнат иктисоди каби қуплаб фанлар билан боғлиқ.

Бу фан аввало иқтисодий назария ва корхона иқтисоди фанларининг ривожланиши натижасида шаклланган.

Бу фаннинг мустақил илмий фан булиб ажралиб чиқиши назария ва хужалик тажрибаси талабларига боғлиқдир.

“БОЗОР КОНЪОНКТУРАСИ ШАРОИТЛАРИДА ТИЖОРАТ ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ” МАВЗУСИНИНГ МАЗМУНИ.

КОНЪОНКТУРАСИ ШАРОИТЛАРИДА ТИЖОРАТ-ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

РЕЖА:

1. Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги;
2. ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг зарурлиги;
3. ТВТ ходимларига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари.

1. Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги

Ўнлаб йиллар мобайнида ишлаб чиқариш воситалари умумхалқ мулки бўлган ва маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш муносабатлари ҳукм сурган, собиқ иттифоқ даврида корхона ва ташкилотларга узоқ йиллар давомида

бозор иқтисодиёти ўзига хос тушунчалар асосида амал қилиши деярли тушунарсиз бўлган.

-83-

Миллионлаб кишиларга, яъни етмиш беш йилга яқин коммунистик жамият куришда фаол қатнашганлар бир дақиқада Иттифоқ қулагани, ўз орзу-умидлари кучга чиққанининг гувоҳи бўлдилар. Табиийки, улар учун ўз дунёқарашларини ўзгартириш ва юз бераётган бозор ўзгаришларининг моҳиятини тушуниш қийин кечмоқда.

Шу билан бирга, собиқ итгафоқ республикаларида амалга оширилаётган бозор ислохатларининг унча катта бўлмаган тажрибаси аҳоли кўпчилигининг совет мафқураси улар онгига сингдирган бозор иқтисодиёти ҳақидаги нохуш фикрдан етарлича тез муддатда халос бўлишига олиб келди, улар, ўзгаришлар жараёнига қўшилиб кетдилар: Эндиликда, ўтмишда одат бўлиб қолган, тижоратни қоралаш, хатто, очикдан-очик ҳақорат қилиш, чайқов, воситачилик, тадбиркорликни рад этиш йўқ. Хусусий мулкка, айниқса, шахсий мулк ва бойликка муносабат ўзгарди. Одамлар эркин бозор шароитида бойликка эга бўлишликни фақат ўғрилиқ билан айна бир дейиш нотўғри эканлигини тушундилар. Ҳар бир инсон бадавлат бўлиши мумкин, агар у бошқалардан яхшироқ ишласа, сифатлироқ маҳсулот- бозоргир маҳсулот тайёрласа, яъни уни сотса, фойда кўрса. Ҳеч қандай моддий бойлик яратмай ҳам бадавлат бўлиш мумкин, бунинг учун кимдан арзонроқда олиш мумкин-у, кимга ва қаерда қимматроқ сотиш мумкинлигани яхши билиш лозим, лекин бунда давлат белгилаган тегашли солиқларни тўлаб, соф фойда олиш шундай бойиш гарови эканлигани унутмаган маъқул. Бундан ташқари, ўз билимини (маълумотни) ҳам сотиб бойиш мумкин, фақат уни сиздан сотиб олиб фойдаланувчи харидорни топиш кифоя. Бир сўз билан айтганда, бозор талабларига мос, қонунчиликка зид келмайдиган барча йўллар билан даромад қилиш мумкин.

Бугунги кунда минглаб, юз минглаб кишилар бозор муносабатларига жалб этилганлар, кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари бунёдга келмоқда, уларнинг анчаси сезиларли натижаларга эришдилар ҳам, яъни ўз молиявий ахволини яхшилаб олдилар, кўп кишилар бадавлат, хатто, яхшигана бадавлат бўлиб олдилар.

-84-

Шу билан бирга, қанчаларнинг ҳафсаласи пир бўлди, тадбиркорлик амалиётида муваффақиятсизликка учрадилар, баъзи холда, буткул синдилар. Кишилар амалда, бозор муносабатларига олиб борадиган йўл шу йўлга кирувчи олдига, қаттиқ хатто, баъзида, шафқатсиз талаблар қўйилишига иқроп бўлдилар. Бу, аввало, рақобат курашига тайёр туришлиқдир, унда ҳамиша мағлубият аламини татиш имкони мавжуддир.

Тижорат-воситачилик фаолияти, шундай қилиб, бозор муносабатларида иштирок этиш шакли ҳисобланади. Бунда таваккалчилик олишликни ҳисобга олиш ва баҳолаш биринчи даражали аҳамият касб этади. тижорат-воситачилик фаолиятини амалга ошириш эҳтимоли бўлган муваффақиятсизлик турли сабабларга кўра юз бериши мумкин. Улар барчасини тадбиркорга, ёки фирмага боғлиқ бўлган ёхуд боғлиқ бўлмаганларга ажратиш мумкин.

Боғлиқ бўлган сабаблар қуйидагилардир:

- бозор конъюнктурасини етарлича ўрганмаслик;
- аниқ на эҳтимоли мавжуд рақобатчиларга етарлича баҳо бермаслик;
- қоровул хизмат ва бошқа хавфсизлик тадбирларини ташкил этишда хатоликларга йўл қўйиш;
- тижорат сирини сақлай олмаслик (маълумотлар чиқиб кетиши);

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкил этишда камчиликлар ва олдиндан кўра билмасликларга йўл қўйиш;
- ходимлар малакасининг пастлиги;
- корхона раҳбариятининг шахсий хислатлари талаб даражасида бўлмаслиги;
- минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри баҳолай олмаслик ва ҳ.к.

Тижорат-воситачилик фаолиятида эҳгимоли бўлган муваффақият-сизликларнинг тадбиркорга боғлиқ бўлмаган сабабларга табиий офат, юкни ташишдаги йўқотишлар ёки сифатнинг бузилиши ва бошқалар киреди, уларни форс-мажор вазиятлар деб ҳам атайдилар.

Амалда эҳтимоли бўлган таваккалчиликнинг статистик, иқтисодий баҳолаш усуллари кўшиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таваккалчиликнинг қалтислигини

-85-

камайгириш, тижорат операцияларини йўқотишларсиз бўлишини таъминлаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- белгилангаи операцияни бозорнинг ахволи ҳақида яхши маълумотга -эга шериклар билан, эҳгимоли бор таваккалчиликни, ўртадаги фойдани, агар омад кулиб боқса, бўлишликни чуқур англаган ҳолда у билан тенг бўлиш;
- ташқи маслахатчиларга уларнинг хизмати, айниқса, бозор нархлари ўзгариши, талаб ва рақобатчилар хатги-харакатини баҳолаш хусусида маблағни аямаслик, тежаш керак эмас;
- қўлга киритилган фойдани эҳтиёт шарт (сақлаш) фондига ташлаб қўйиш;

- имконга қараб суғурта компаниялари хизматидан фойдаланиш, яъни таваккални бир қисмини улар зиммасига юклаш лозим, гарчи бунинг учун пул тўлаш зарур бўлсада.

2. ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг зарурлиги

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва қарор топиши туфайли унинг соҳасида тобора янги ва янги жисмоний, ҳуқуқий шахслардан иборат иштирокчилар пайдо бўлмоқда. Бозор иштирокчилари- товар маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилари сонининг ошиб бориши ўз навбатида турли тоифадаги тижорат-воситачилик ишлари ва хизматларига қўшимча талабни юзага келтирмоқда, натижада, бозорнинг учинчи тур иштирокчиси- ТВТлар сони ортмоқда.

Товар ишлаб чиқарувчилараро, шунингдек товар ис-теъмолчилариаро рақобатнинг ошиши ўз доирасига ТВТларни ҳам тортмоқда. Улар ҳам бозор майдонидаги рақобат курашининг фаол иштирокчиси бўлиб қолмоқдалар.

Товар бозоридаги рақобат курашида тижоратга оид ахборотлар муҳим "қурол" бўлиб ҳисобланади. Мазкур ахборотлар, одатда, товар ва хизматлар бозоридага вазиятга оид билим ва тезкор маълумотлар мажмуидан, шунингдек, ўзининг аниқ ва эҳтимоли бор рақобатчилари хусусидаги маълумотлардан иборат бўлади

-86-

Бироқ, бунда, товар бозори бўйича ўз рақибингиз (рақобатингиз) қўл қовуштириб ўтирмаслигини доимо ёдда тутишингиз зарур. Чунки, улар ҳам сизга ўхшаб бозор конъюктурасини ўрганади, маълумотлар, шу жумладан сизнинг ТВТингиз ҳақида, тўплайди. Бу бозор учун кўзга кўринмас жанггоҳдаги кураш жаҳон ҳамда ўз мамлакатимиз тажрибаси кўрсагаётганидек тарафкашлар ўз манфатларини муҳофаза ва ҳимоя қилишда

барча расмий, кўшимча, хатто тақиқланган воситалардан фойдаланмоқдалар. Бунда улар рақобатчи томон гўшасига "огоҳлантирувчи" ёки жавоб ташрифи буюрадилар, бунда ўз куч ва хавфсизлик восталаридан, шунингдек, ёлланма гуруҳ ҳамда айрим шахслар хизматидан фойдаланишликдан тортиниб ўтирмайдилар.

Бозор фаолияти амалиёти уюшган жиноятчилик (мафооз) гуруҳ, рэкет гуруҳи, баъзан якка бўри сингари ҳаракат қилувчи ёлғиз жиноятчиларнинг намоён бўлиш шакли ва шу услубдан яхши хабардор.

Куруқ тухмат тақаб кўрғитиш, таъмагирлик, дўқ уриш, ўт қўйиш, жисмоний қийноққа дучор қилиш, ўлдириш, шунингдек, рақобатчи гуруҳлар ўзаро қон тўкиб орани очди қилишлари, бундан ташқари ишбилармонлар дунёсидаги таниқли шахслар буюртма қотиллик қурбони бўлаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари тобора кўпроқ хабар бериб бормоқдалар.

Жиноятчи кимсаларнинг бундай фаоллашиб қолиши, ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч-ғайратларига қарамай, дунёдаги барча мамлакатларда хусусан Ўзбекистонда ҳам анча чуқур илдиз отган. Марказий Осиё минтақасидаги бу салбий ҳолат тобора халқаро тавсифга эга бўлмоқда.

Бундай шароитда ТВТ ва бошқа товар бозори иштирокчиларининг иқтисодий ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек тадбиркорларнинг жиноятчи кимсалардан жисмоний ҳимояланганлигини таъминлаш ҳамда бозор субъектларининг, ҳам ички ва ташқи хавфсизлик масаласига жавоб берувчи тегашли давлат тузилмаларининг долзарб ва пайсалга солиб бўлмайдиган вазифасидир.

-87-

Бозор иштирокчилари иқтисодий ва ахборот хавфсизлигини, шунингдек ходимлар жисмоний хавфсизлигини таъминлашнинг анчагина олдини олиш

тадбирлари бор бўлиб, буларни тижорат фаолияти билан шуғуланувчи ҳар бир жисмоний ва ҳуқуқий шахс амалга ошириши лозим.

ТВТ ва унинг ходимлари хавфсизлиги уларни тадбирлари ичида маълум даражада хавфсизлигини қуйидагилари таъминлайди:

- маъмурий, омбор ва ишлаб чиқариш биноларини ишончли муҳофаза тизимини бунёд этиш;

- ишлаб чиқарувчилардан оралиқ омборларга ёки тўғридан-тўғри истеъмолчиларга ташиладиган товар-моддий қимматдорликларни ўз кучлари ёки ёлланма кучлар билан кузатиб бориш;

- бухгалтер, кассир ва бошқа моддий жавобгар шахсларни, яъни нақд пул ва бошқа қимматдорликлар олуиши, топширувчи, олиб юрувчиларни муҳофазасини таъминлаш;

- корхонада тижорат сири ҳисобланган ва фирма рақобатчилари учун аҳамият касб этган, шунингдек жиноятчилар тазйиқи, қўрқитиши ва таъмагирлиги учун мухитни юзага келтирмайдиган ижтимоий-рухий шароит ҳамда мажбурий талабларни яратиш;

- фирма сири бўлган махфий тижорат маълумотларидан иборат ҳужжатлар ("ноу-хау", чизиқлар, технология, янги буюмлар намунаси, буюртма ва реклама, молиявий ва банк материаллари мос етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ҳақидаги маълумотлар нашриёт таклифлар, чизмалари, шартнома, контракт ва бошқаларни ишончли сақлаш учун тегишли техникавий воситалар билан таъминлаш;

- тижорат сирларидан воқиф шахслар (раҳбарлар ва махфий ҳужжатлар билан ишлашга рухсат этилган айрим ижрочи ходимлар масъулиятининг кучайтирилган тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек улар ижтимоий-

руҳий аҳволини ҳимоя ва назоратнинг мумкин бўлган шакллари ташкил этиш;

-88-

- кўплаб мамлакатларда муайян моддий манфаатдорлик эвазига ТВТлар ўз ходами билан ишдан бўшагандан сўнг маълум муддатгача рақобатли фирмага ишга кирмаслига ҳақида шартнома тузиш, расм бўлмоқда;

- бегоналар етиша олмаслиги учун электрик ахборотнинг ишончли тизимини яратиш, ЭХМдан ва бошқа барча тур кўпайтириш техникасидан фойдаланиш назоратини таъминлаш; бунда махфий маълумотлар турли, коралама нусхалар, нусха кучириш қоғозлари, ёзув машиналарининг бўйядиган тасмаларидан олиниши мумкинлигага алоҳида эътибор қаратиши лозим;

- махфий ҳужжатлар ва қимматдорликларни жўнатиш ёки олиб келишда ўз хавфсизлик хизмати кучларидан, агар шундай хизмат бўлмаса, харбийлаштирилган дала алоқасидан ёки ихтисослашган, муайян ҳақ эвазига шундай хизмат кўрсатадиган, машҳур фирмалар хизматидан фойдаланиш.

Тажрибали мугахассислар фикрича махфий ҳужжатларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва ўз вақтида йўқ қилиш учун жавоб берадиган шахсларни, яъни хизматчиларни муҳофаза қилишнинг энг ишончли усули бўлиб, махфий ҳужжатлардан фойдаланиш ва ўз вақтида йўқ қилиш, рақобатчи фирмага ўз фирмаси сирини сотишликдан тийиб турувчи омил эса- қониқарли иш ҳақи ҳисобланади.

ТВТ хавфсиз фаолиятини таъминлаш бўйича билимларни чуқурлаштириш учун бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг рақобатчи фирмалар ҳамда жиноятчи кимсалар тажовузидан тижорат тузилмалари ходимларини ва сир, мулкни қўриқлаш, ҳимоя қилиш

борасидаги тажрибаларини чуқур ўрганиш, фойдаланиш мақсади мувофиқдир.

Фирманинг ўзига ёки унинг ходимлари хавфсизлигига четдан бўлган тажовуз ҳақида, аввало, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идораларига хабар бериш, шу билан бирга ўзини-ўзи химоя қилиш бўйича барча чораларни кўриши лозим.

-89-

3. ТВТ ходимларига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари

Хўжалик фаолиятининг исталган соҳасида инсон омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, фақат инсоннинг жисмоний ва ақлий кучигина фаолиятни жонлантира олади, яъни меҳнат қуроли ва воситасини ҳаракатга келтиради.

Товар-моддий қимматдорликлар ишлаб чиқариш билан эмас, билан асосан уларни ишлаб чиқарувчилар истемолчиларга томон ҳаракатланишини таъминловчи тижорат-воситачилкк фаолиятининг ўзига хослиги ТВТ ходимларига қўйиладиган талаблар ҳам ўзига хослигини белгилаб беради. ТВТ вазифаси ва у бажарадиган иш ҳам хизматлар хўжалик фаолиятига меҳнат жараёни буюмланган унсурларини (бамисоли ишлаб чиқариш жараёнидаги каби) кўплаб микдорда жалб этишни талаб қилмайди. ТВТ уз вақтида, керакли микдорда, тегишли товар кўринишидаги тайёр маҳсулотни истемолчига етказиб бериш билан шуғулланади. Мазкур воситачилик фаолиятини ташкилотчиси ҳам, ижрочиси ҳам ТВТ ходимларининг ўзи хисобланади.

Шундай қилиб, ТВТ фаолиятида ҳал қилувчи уринда унинг ходимлари туради. Айниқса, уларнинг мижозлар кидириб топиш ва улар билан ҳалол ҳамда ўзаро манфаатли асосда хизмат курсатиш шартномалари тузадиган қисми. Бунинг учун ТВТ ходимлари юқори шахсий ва касбий сифатларга эга

бўлиши, эҳтимоли бўлган мижозлар ўзаро товарлар ҳамда кимматдорликларни сунги истеъмолчига етказиб беришликдаги фаолиятга ишонч уйғотиши ва ундан манфаатдор бўлишга қизиқтириш лозим.

ТВТ тижорат ходимларига қўйиладиган касбий талаблар ўз ичига қўйидагиларни олади: бозор конъюктураси масалалари бўйича чуқур ва ҳар томонлама билим ва тажрибани; ички ва ташқи бозорларда товарлар сотиб олиш ва сотишни; маркетингни; бошқарув ва ҳуқуқи бухгалтерия ҳисоб-китоби, молиялаш ва солиққа тортишни. Тижорат ходимлари касбий жиҳтларига бунчалик юқори талаблар қўйилиши ҳаддан ташқари юқори туюлиши мумкин, бироқ ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар

-90-

тажрибасидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, замонавий шароитларда шундай билимлар-сиз ва малакаларсиз тижорат-воситачилик фаолияти барбод бўлишга маҳкум. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, энг чуқур ва кенг назарий билимлар ҳам бозор операциялари ўтказиш амалий тажрибали тижоратда муваффақият қозониш учун етарли эмас.

Тижорат-воситачи ташкилотлар ходимларига қўйиладиган шахсий талаблар қўйидагилардан иборат:

- қатъий ҳисоб-китоблар ва олдиндан кура билиш иқтидорли ўқувчилик ва таваккал қилишга тайёрлик билан қўшиб олиб бориш;

- юқори даражада ахлоқчилик, атрофдагилар ва тижоратдаги шериклар билан ўзаро алоқада ҳалоллик ҳамда масъулиятни ҳис этишлик;

- тижорат-воситачилик фаолияти билан боғлиқ юқори даражада ҳам жисмоний, ҳам рухий зуриқишга чидай оладиган маънавий ҳамда жисмоний сифатлар;

- ташаббускорлик, хозиржавоблик ва мақсадга интилувчанлик.

Омадли тижорат ишини шаклантириш учун ҳар қандай вазиятда ҳам хушмуомала, одоб доирасида ҳаракат қилиш, назокатли ва холис ниятли, ўз ва хаяжонини тизгинлай олиш, ваҳимага тушмаслик, рақобатчилар ва ғаразгуйлар томонидан бўлиши мумкин ифвогарликларга хушёр туриш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т., Узбекистан, 1995.
2. И.А.Каримов Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности условия и гарантии прогресса. Т., Узбекистан, 1997.
3. Г. Дж. Болт Практическое руководство по управлению сбўтом. М., Экономика, 1991.
4. М.П.Гордон Материально-техническое снабжение. Перестройка организации управления. М., Экономика, 1991.

5. Э.Дж. Доллан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Сиб., 1994.

6. Р.Б. Ноздрёва и др. Маркетинг: как побеждать на рўнке. М. Финансў и статистика, 1991.

11. Абдукаримов Б.А. ва бошқдлар. Корхона иктисодиёти. -Т.: «Фан», 2005.

12. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили. Уқув кулланма. -Т.:ТДНУ, 2004.

13. Ахмаджонов Т.Б., та бошқэллар. Оценка бизнеса: Уқув кулланма. - Т.: ТДИи, 2005.

14. Фаттахов А.А. тижорат-виоситачилик ташкилотлари иктисоди –Т.: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти, 2005.

Интернет сайтлари:

www.cer.uz

www.referat.uz

www.ttesi.uz

www.freenet.uz

www.litera.ru

www.college.ru

www.vgifik.vrn.ru

examen.od.ua

1.3. МАВЗУНИНГ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ.

Ўқув мақсадларини аниқлаш, шакллантириш, турлаш ва тизимлаштириш, кетма-кет масалалар ва саволлар тарзида ифодалаш ўқитувчи ишининг энг мураккаб ва масъулиятли қисми ҳисобланади.

Мақсадларни аниқ белгилаш ва тизимлаштириш, ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичларига йўналтирувчи омил сифатида хизмат қилади. Таҳсил олувчилар онгига етказиладиган таълим мақсадлари уларни ўқув билиш фаолиятига мўлжал бўлади ва таълим тарбия жараёнида уларнинг онглилиги ва фаоллигини оширади.

Ўқув мақсадларни ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида ўқитувчи тайёрланаётган мутахассиснинг модули ҳисобланган давлат таълим стандартини ўрганиш зарур. Ундан сўнг ўқув режаси ўрганилиб, ўзи ўқитадиган ўқув предметининг бошқа умумтаълим, умумкасбий ва иқтисослик туркум фанлари билан алоқадорлиги аниқланади. Ўқитувчи шу йўл билан ўзи ўқитадиган ўқув предметини ўқитишдан кўзланган умумий мақсадини, мутахассис фаолиятида учрайдиган муаммоли вазиятларини аниқлаштириш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, ўқув режасига киритилган ҳар бир ўқув предмети давлат стандарти доирасида бўлажак мутахассисларда маълум билим ва малакаларни шакллантиришни кўзда тутади. Буларсиз мутахассис ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажара олмайди.

Ўқув мақсадларни ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичида ўқитувчи хусусий мақсадларни ишлаб чиқади. Бунда ўқув предметининг намунавий дастурини таҳлил этиш асосида ҳар қайси боб, мавзуга тегишли мақсадлар аниқланади. Аниқланган мақсадларга биноан ўқув материалининг мазмуни ва ўзлаштириш режаси дастур номи билан аталадиган дарслик, ўқув қўлланмаси ва шу каби адабиётлардан аниқланади.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқув жараёни ҳар бир ўқув предметининг ўқитиш мақсадларининг белгилашдан бошланади.

Чунки ҳар бир назарий ёки амалий машғулоти аниқ мақсадларни кўзда тутди. Агар ўқув мақсадларини белгиламай машғулоти ўтказилса, унинг мазмуни ва дидактик тузилмаси бузилади.

Ўқув мақсадларини белгилаб, маълум кетма-кетликни жойлаштириш, таснифлаш педагогик таксаномия деб юритилади. (Таксаномия тушунчаси грекчадан олинган бўлиб, тартиб билан жойлаштириш қонуни маъносини англатади.)

Таксаномия ўрганилаётган объектларнинг табиий алоқалар асосида тузиладиган кўп поғонали жойлаштиришдир. Педагогикада Америкалик олим Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксаномияси энг кўп тарқалган ҳисобланади. Бу таксаномия қуйидаги тартибга эга.

1. Билиш- Ўрганилаётган материални хотирада сақлаб қолиш ва қайта хотирлашни кўзда тутди. Бунда талаба ўзлаштирилган материал мазмун моҳиятини англамайди.
2. Тушунтириш- Ўрганилаётган материални моҳияти англанади, ҳулоса чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Тушунтириш даражасининг кўрсаткичи сифатида материал моҳиятини изоҳлаб бериш, бошқа материаллар билан алоқадорлигини кўрсатиш кабилардан фойдаланилади.
3. Қўллаш- Ўзлаштирилган далиллар, тушунча, билим ва иш усулларини амалиётга тадбиқ этиш қобилияти.
4. Таҳлил қилиш- Ўзлаштирилган яхлит ўқув материални

қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг даража ва ўзаро нисбатларини ўргатиш, қайтадан яхлитлик ҳосил қилишни кўзда тутди

5.Синтез- Ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб, яхлит янги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутди.

6.Баҳолаш- Белгиланган мақсадларни эгалланган натижалар билан қиёслаш орқали амалга оширилганлиги сабабли энг юқори даража ҳисобланади.

Ўқув мақсадларни белгилашда таҳсил олувчи талаба ўзини қандай ҳолатда тутиш лозимлиги ифодаловчи сўз (фёъл) ишлатиш зурурки , у мақсадни аниқ тушунтиришни таъмин этсин. Бунинг учун ўз навбатида ҳар бир мавзуга оид таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади. Ажратиб кўрсатилган таянч ибораларнинг ўзлаштирилиш даражасини белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу фёъллар дарснинг бир-бири билан бевосита алоқадор ва муносабатда бўлган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини шаклантиришда ўз ифодасини топиши зурур. Биз ҳар бир машғулот мақсадида қанчалик аниқ белгилаб олсак, унга эришиш шунча осон бўлиши амалиётда тасдиқланган.

Амалий характердаги мақсадларга эришишда қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатиши мумкин: шарт-шароит, таҳсил олувчининг онгли муносабатлари, моддий-техник база, вақт ва шу қабилар.

1. **Таълимий мақсад**-таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасида қандай юксалиши бўлишини кўзда тутди.

2. **Тарбиявий мақсад**- таҳсил олувчи шахсида қандай сифат ва фазилатлар таркиб топиши зарурлигини белгилайди.

3. **Ривожлантирувчи(мантиқий) мақсад**- таҳсил олувчилар қандай мантиқий операциялар ва ақлий фаолият усулларини ўзлаштиришлари ҳамда унинг ривожлантирувчи натижаларни кўзда тутди.

“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари” мавзусининг ўқув мақсадлари.

Дарс мақсади:

1. Таълимий: Давлат олий таълим стандартлари талабаларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш мақсадида талабаларда **Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатларига** оид иқтисодий билимларни такомиллаштириш, ҳамда кўникмаларини ривожлантириш.
2. Ривожлантирувчи: **Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатларининг** аҳамиятини очиб бериш.
- 3.Тарбиявий: Талабаларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабига жавоб бера оладиган мустақил соғлом фикрлаш қобилиятига эга бўлган етук мутахассис, маънавиятли комил инсон этиб тарбиялаш
- 4.Мотивацион: Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фаолликка ундаш ва мустақил фикрлаш, хулосалаш қобилиятларини рағбатлантириш.

1.4. МАВЗУНИНГ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ДАСТЛАБКИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР.

Методика-педогогиканинг ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб, баҳолаш метод ҳамда воситаларни ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани, ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкил этиш шакллари методика асосида қурилган.

Ўқитиш методикаси бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув дидактик материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий ва амалий машғулотлар пайтида қўлланиладиган усуллар мажмуасидир.

Касбий таълим методикаси ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасини фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педогогиканинг муҳим тармоғидир.

Шароитлар таҳлили қуйидаги шарт-шароитларни ўрганиш билан боғлиқ:

- ҳукуқий

- техник
- ташкилий шарт-шароитлар

Ҳуқуқий шароитларга фан дастури, ўқув режаси, календар режа, баҳолаш мезонлари, журнал киради.

Фаннинг ўқув дастури-давлат ҳужжати бўлиб, фандаги назарий ва амалий машғулотларнинг мазмуни, мажбурий ҳажми, кетма-кетлиги ва ҳар бир мавзу бўйича ажратилган соатларни аниқлайди. Ўқув дастурлар намунавий ва ишчи турларга бўлинади.

Намунавий иш дастури – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ишчи ўқув дастури-намунавий иш дастури асосида ҳар бир ўқув юрtda тайёрланади, ҳамда ўқув юртининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси-бу давлат ҳужжати бўлиб, ўқув юртида ўқув тарбиявий жараёнининг мазмуни, ҳажми турлари кетма-кетлиги ва муддатларини кўрсатади.

Календар режа-фан бўйича ўтиладиган мавзуларни режалаштириш, ҳамда ўтилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Баҳолаш мезони.

Ўзлаштириш кўрсаткичи “аъло” баҳога лойиқ бўлиши учун:

- фан ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларни тўлиқ изоҳлаб берган, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган хатоларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи кўрсатмаси асосида туза олган ҳолда;
- фанга қизиқишни намоён этиш;
- мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши ҳисобга олинади.

Ўзлаштириш кўрсаткичи “қониқарли” баҳо бўлганда:

- ўқув дастурида кутилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳланмаган.

- Фанни ўрганишда қизиқиши пастлиги, мураккаб топшириқларни бажаришда интилиш йўқлиги инобатга олинади.

Ўзлаштириш кўрсаткичи “қониқарсиз” баҳо бўлганда:

- ўқув дастурига кирган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ билмаган, тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Журнал- талабалар тўғрисида маълумот беради ва жорий, оралик, якуний назорат баҳолари қўйилади. Дарс ўтилган сана белгиланади.

Техник шарт-шароитларга техник мосламалар, ўқитиш ва ўрганиш воситалари, уларнинг яроқлилиги тушунилади.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўтказиш учун доска, ишга яроқли видеопроектлар, компьютер мавжуд, аудитория электр токи билан таъминланган, ҳаво босими нормал ҳолатда бўлиши керак.

Ташкилий шарт-шароитлар.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмаларни эгаллаши учун дарс ўтиладиган синф хонасининг тайёрлиги яъни синф хонаси ёруғ, тоза, стол ва стуллар етарли, доска, бўр бўлиши керак. Шу билан бирга дарсни ўтишда дидактик воситалар ва тарқатма материаллар тайёрланиши зарур.

“Иқтисодий билим асослари” фанидан маъруза ўтиладиган ўқитиш жойи ўқув хонаси тоза ва ёруғ, нормал ҳаво ҳароратида, стол ва стуллар етарли.

- назарий дарс белгиланган режа, дарс жадвали ва белгиланган аудитория ва ўқув корпусида ўтказилди.

- Ташкилий ҳужжатлардан календар режа, дарс жадвали тасдиқланган.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси - бу ўқитиш фаолиятини ташкил этишнинг у ёки бу усулларида фойдаланиш коидалари тизимидир. Ўқитиш методикасини ўрганишдан мақсад-ўқитиш жараёнини ташкил этиш,

бошқариш ва назорат қилиш учун керакли касбий билимлар, истеъдод ва маҳоратларни эгаллашдир.

Махсус фанларни ўқитиш методикасининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

1. Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш.
2. Фанни ўқитишнинг кетма-кетлигини аниқлашдир.
3. Ўқитилаётган фаннинг мазмунини аниқлаш.
4. Ўқитишнинг шакли, методлари ва воситаларни аниқлаш.
5. Ўқув материалларни ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш.

Махсус фанларни ўқиш учун қуйидаги фанларни ўзлаштириш лозим:

- ёш физиологияси ва гигиенаси,
- психология,
- махсус фанлар,
- ишлаб чиқариш ўқитиши,

Ўқув фанини ўқитиш методикаси - бу берилган ўқув фанини ўқитишни, тарбиявий мақсадларга, таълим вазифалари ва ўқувчиларнинг ёшининг хусусияларига мос ҳолда ташкил этиш шакллари, методлари, мазмуни ва вазифалари тугрисидаги фан.

Маълумки, Ўзбекистон республикасида академик лицей ва касб ҳунар коллежлар асосида ўрта маълумот олиш мажбурий бўлиб, ўзликсиз таълим тизимининг алоҳида босқичини ташкил қилади.

Академик лицейларда давлат таълим стандарти асосида билан бир қаторда ўқувчиларнинг кизикишини а имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг интенсив интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, дифференциялашган, касбий йуналтирилган ўрта маълумот беради. Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаган йуналиш бўйича билимларини ошириш, аниқ олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш мақсадида касбий билимларни шакллантириш имкониятларига эгажирлар.

Касб-хунар коллежлари давлат таълим стандарти асосида уқувчиларга махсус ва уасбий маълумот беради. Колледж ва академик лицей битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларида уқуш ҳуқуқини еки касбий меҳнат фаолияти билан шугулланишга ҳуқуқ берадиган давлат намунасидаги дипломлар берилади

Махсус фанларни уқитиш методикаси мазмунини аниқловчи асосий ҳужжатбулиб қуйидагилар хизмат қилади: малакавий тафсиҳнома, уқув режаси ва уқув дастури,

Малакавий тафсиҳнома қуйидагиларни аниқлайди:

-тайёрланаётган уқувчи қайси разрядга ва қайси ишлаб чиқариш ишларига мулжалланган,

- уқуш даврида уқувчи қандай билимларга ва қобилиятга . эга бўлиш қеракки, қелажақда у берилган топшириқларни ва ишларни узи мустақил бажара олсин.

Уқув режаси - бу давлат ҳужжати бўлиб уқув юртидаги уқув ва тарбиявий жараённинг мазмуни, ҳажми, турлари, қетма-қетлиги, ва муддатларини қурсатади.

Фанларнинг уқув дастурлари - давлат ҳужжати бўлиб фандаги назарий ва Амалий машгулотларнинг мазмуни, мажбурий ҳажми, қетмақетлиги ва ҳар бир мавзу бўйича ажратилган соатларни аниқлайди. Уқув дастурлар намунавий ва ишчи турларига бўлинади.

1.5. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ ВА ДАРС ИШЛАНМАСИ.

“Бозор конъюктураси шароитларида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари ” мавзусининг педагогик-технологик харитаси.

Педагогик-технологик харитаси берилган шакли асосида куйидаги тартибда ишлаб чиқилган:

1. **Фаннинг умумий мақсади:** “Тижорат даллолчилик корхоналари иқтисоди” фанини ўзлаштиришдан мақсад --- жаҳон андозаларига мос, бозор рақобатига бардош берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни урганиш.
2. **Мавзу №:** Мавзу № 13, 14.
3. **Мавзунинг номи:** Бозор конъюктураси шароитида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари.
4. **Ўқув-илмий адабиётлар:**

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

9. Ортиқов А.А. ва бошқалар. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Т: Ўзбекистон, 2004. – 142 б.

10. Ортиқов А.А. Саноат иқтисодиёти. Т: Ўзбекистон, 2004. – 254 б.

Интернет сайтлари:

www.cer.uz

www.referat.uz

www.ttesi.uz

www.freenet.uz

www.litera.ru

www.college.ru

www.vgifk.vrn.ru

examen.od.ua

5. **Маърузага ажратилган соат:** 6 соат

6. **Амалиёт машғулотларга ажратилган соат:** 4 соат
7. **Мавзунинг ўқув мақсади:** Иктисодий таҳлил тушунчасини, вазифаларини, предмети ва усулларини урганиш, тижорат воситачилик фаолиятини амалга оширишда эҳтимоли булган муваффақиятсизликнинг турларини, ТВ фаолиятида ходимларга куйилган талабларни урганиш.
8. **Мавзунинг таянч ибораларининг номи:**
- 8.1. Иктисодий таҳлил
 - 8.2. Иктисодий таҳлил предмети
 - 8.3. Иктисодий таҳлил методи
 - 8.4. Иктисодий таҳлил турлари
 - 8.5. Иктисодий таҳлил усуллари
9. **Таянч ибораларнинг ўқув мақсади:**
- 9.1. Иктисодий таҳлил тушунчасига изох бериш
 - 9.2. Иктисодий таҳлил предметини урганиш
 - 9.3. Иктисодий таҳлил методларини урганиш
 - 9.4. Иктисодий таҳлил турларини тушунтириш
 - 9.5. Иктисодий таҳлил усулларини изохлаш
10. **Таянч иборалар ўқув мақсадларнинг тоифаси:**
- 10.1. Тушуниш
 - 10.2. Тушуниш
 - 10.3. Тушуниш
 - 10.4. Тушуниш
 - 10.5. Тушуниш
11. **Ўқитиш технологияси:** Муаммоли
12. **Дидактик воситалар:**
- 12.1. Иктисодий таҳлил методлари таснифи (слайд).
 - 12.2. Иктисодий таҳлил турлари ва уларнинг таснифи келтирилган жадвал.
13. **Тест топшириқлари:**
- 13.1. Иктисодий таҳлилга қайси талаблар куйилади:

- A. Халк хужалиги шароитини ҳисобга олиш
- B. Объективлик
- C. Мақсадга қаратилганлик
- D. Мажмуавийлик
- E. Барча жавоблар тугри

13.2. Иқтисодий таҳлил предмети деб:

- A. Хужаликларнинг ишлаб чиқариш маблағларидан фойдаланишни урганишга айтилади
- B. Хужалик жараёнларини иқтисодий манбалардан фойдаланиб урганишга айтилади
- C. Хужаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини урганишга айтилади
- D. Хужаликларнинг барча жараёнларидаги ўзгариш ва фарқлари сабабини урганишга айтилади
- E. Нотугри жавоб йук

13.3. Иқтисодий таҳлилнинг методи деганда:

- A. Хужалик фаолиятини урганишдаги умумий ёндашиш тушунилади
- B. Материалистик-диалектик ёндашиш тушунилади
- C. Комплекс ёндашиш тушунилади
- D. Тизимли ёндашиш тушунилади
- E. Ижодий ёндашиш тушунилади.

13.4. Урганиш даври бўйича иқтисодий таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?

- A. Жорий, бошқарув ва молиявий
- B. Тезкор, ички ва ташқи
- C. Тезкор, истикболли, ички ва ташқи
- D. Жорий, функционал қийматли ва хужаликлараро
- E. Жорий, тезкор ва истикболли.

13.5. Кайси усуллар иктисодий тахлилнинг анъанавий усуллари булиб хисобланади?

- A. Таккослаш ва иктисодий математик усуллар
- B. Занжирли ва баланс богланиш, интеграл усуллар
- C. Таккослаш, гурухлаштириш ва назарий уйин
- D. Таккослаш, гурухлаштириш, занжирли богланиш ва баланс
- E. Гурухлаштириш, корреляция ва регрессия.

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТНИ УКИТИШДА ДАРС ИШЛАНМАСИ.

МАВЗУ: “Бозор конъюктураси шароитида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари.”

Маъруза № 9

Таълим шакли – маъруза

<i>Уқиш вақти – 2 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони 25-30 киши</i>
Ўқув машғулотнинг шакли	Назарий машғулотда муаллифлик маърузаси, “Ақлий хужум” услубининг қўлланиши
Маъруза режаси	1. Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги;

	<p>2. ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг зарурлиги;</p> <p>3. ТВТ ходимларига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари.</p>
Ўқув мақсади	Бозор конъюктураси шароитида тижорат воситачилик фаолиятининг ўзига хос жихатлари мазмуни тушунчалари тўғрисида чуқурроқ билим бериш ва уларнинг эволюцияси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.
Ўқитувчи фаолияти	Иқтисодий таҳлил тушунчасига изох бериш, Иқтисодий таҳлил предметини урганиш, Иқтисодий таҳлил методларини урганиш, Иқтисодий таҳлил турларини тушунтириш, Иқтисодий таҳлил усулларини изохлаш
<p>Педагогик вазифалар</p> <ul style="list-style-type: none"> - Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги тушунчаси ва унинг аҳамияти билан таништириш; - ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари: (талаба фаолияти)</p> <ul style="list-style-type: none"> - Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги тушунчаси ва унинг аҳамияти тугрисида билимга эга бўладилар; - ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг зарурлиги ҳақидаги билимларга эга

<p>зарурлиги билан талабаларга тушунтириб бериш;</p> <p>- ТВТ ходимларига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари йулларини ўрганади.</p>	<p>бўладилар;</p> <p>- Т ходимларига қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимларга эга бўладилар;</p>
Таълим методлари	Маъруза (инсерт) ақлий хужум, тезкор савол – жавоб, кластер, тест ва хоказо.
Ўқитиш шакллари	Гуруҳларда ёки индивидуал ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория - аудитория ҳолати техник жиҳозланган ва гуруҳларда ишлашни ташкил этиш учун мослаштирилган.
Баҳолаш	Оғзаки назорат рейтинг тизими бўйича: блиц-сўров, тест ўқув топшириғи, ёзма назорат ва хоказо.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ўқув машғулотини амалга ошириш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Тайёрлов босқичи	касбий йўналиш ўқув режаси, гуруҳ журнали, фан дастури, календарь режа, баҳолаш мезонлари, ўқув хонаси, техник мосламалар, ўқитиш ва	Ўтган дарсда уйда бажариладиган топшириқларга тайёрланиб, мавзу бўйича янгиликлар тўплаб ўқув хонасига кечикмасдан келиш

	Ўрганиш воситаларини тайёрлаш	
1- Босқич Ўқув машғулотига кириш (15 дакика)	<p>1.Саломлашиш, давоматни текшириш, янги мавзунинг мақсадини, машғулотни ўтказиш режасини маълум қилиш: «Тижорат воситачилик корхоналарида кайд ва хисобот»,</p> <p>Хисобот курсаткичларининг иқтисодий моҳияти таркиби ва тузилиши) оғзаки савол-жавоблар билан такрорлаш:</p> <p>1. Мавжуд бозор шароитларида тижорат-воситачилик фаолиятининг ўзига хослиги;</p> <p>2. ТВТнинг иқтисодий ва ахборот хавсизлигини таъминлашнинг зарурлиги;</p> <p>3. ТВТ ходимларига қўйиладиган талабларнинг</p>	<p>1.Маърузани тинглайдилар, ёзиб оладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар</p>

	<p>хусусиятлари.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича таянч иборалар :</p> <p>даромад</p> <p>Иқтисодий таҳлил</p> <p>Иқтисодий таҳлил предмети</p> <p>Иқтисодий таҳлил методи</p> <p>Иқтисодий таҳлил турлари</p> <p>Иқтисодий таҳлил усуллари</p> <p>1.3. Баҳолаш мезони</p> <p>илова килинади (илова 1)</p>	
<p>2-босқич</p> <p>Асосий қисм</p> <p>(60 дақиқа)</p>	<p>2.1 Аклий хужум методи ёрдамида мавзу юзасидан билимларни фаоллаштириш:</p> <p>-Муаммоли саволлар беради: Сиз амалиётда бўлган корхонангизда Иқтисодий таҳлиллар таркибини таҳлил қилдингизми?</p> <p>2.2. Мавзу бўйича билимларни шакллантириш жараёни</p>	<p>2.1. саволларга жавоб берадилар</p> <p>2.2. Ёзиб оладилар , муҳокамада фаол иштирок этадилар</p> <p>Индивидуал ва</p>

	<p>ташқил этиш; -муҳокама учун саволлар бериш: Машғулот режаси бўйича маъруза ўқилади.Маъруза слайдлар орқали тушунтирилади. -талабаларнинг билим кўникма ва малакаларини эгаллаш бўйича маъруза охирида тест топшириқларини тарқатиш -талабаларнинг ўрганиш фаолиятини бошқариш, топшириқни бажариш бошланишини ва тугалланишини эълон қилиш, - назорат ишларининг натижаларни таҳлил қилиш</p>	<p>гуруҳларда ишлайдилар</p> <p>Топшириқ натижалари бўйича тақдимот ўтказадилар</p> <p>Ўзаро баҳолашларни ўтказадилар</p>
<p>3 босқич (5) дақиқа</p>	<p>Утилан мавзу бўйича колган режаларни узлаштириб, масала ечиш учун формулаларни ёдлаб келиш. Корхонанинг иктисодий таҳлил натижалари</p>	<p>Тинглайдилар. Топшириқларни ёзиб оладилар</p>

	курсаткич-ларини тахлил килиш.	
--	-----------------------------------	--

Ўқув машғулотини “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб ўтишнинг ишлаб

чиқиш қоидалари:

- Ўзаро баҳолаш ва танқидга ўрин йўқ;
- Таклиф этилаётган ғоялар фантастик ва ғаройиб бўлса ҳам уларни баҳолашдан сақланинг . ҳаманинг фикр билдиришига рухсат этилади;
- Танқид қилманг , барча билдирувчи фикрлар тенг қимматли;
- Сўзга чиққан кишининг гапини бўлманг!
- Эътирозлардан сақланинг!
- Қанча кўп фикр айтилса, шунча яхши янги ва қимматли фикр пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ.
- Фикрлар такрорланса, хафа бўлманг ва уялтирманг!
- Тасаввур қилишга рухсат беринг!

1.6. “Бозор конъюктураси шароитида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари” МАВЗУНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРАКТИВ УСУЛНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ.

Янги давр ўқитиш тизимида демографик, иқтисодий ва илмий-техникавий омилларнинг таъсири остида янги талаблар қўймоқда. Бу ўзгаришлар ўқитишнинг мазмуни, услублари, моддий-техника базаси, бошқариш ва ташкил этиш йўллари, иқтисодий дастакларига ўз таъсирини кўрсатади. Бундаги асосий вазифа – шахснинг мустақиллиги ва ижодий фаоллигини (from teaching to leaning) ривожлантириш ҳамда шу орқали ўқувчи-талабанинг ўз интеллектуал ва эстетик салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўзгарувчан дунёга мослашиш қобилиятини ҳамда томонлама тараққий эттиришга эътибор қаратилади. Шахснинг яратувчанлик ва ижодий қобилиятининг ривожланиши педагогик жараённинг ўзгариши асосида кечади, яъни талаба ўқитиш объекти эмас, балки педагог томонидан қўйилган вазифаларнинг ечимини топишдаги тенг ҳуқуқли субъектга айланади.

Бу масалани ҳал қилишда самарали педагогик технологияларни қўллаш ижобий натижа беради. Тадқиқотчилар изланишларига асосан, кишилар хотирасида маълумот сифатида қилаётган ишининг 90%и, кўраётганининг 50%и, эшитаётганининг 10%и қолади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашда, амалий машғулотлар пайтида янги педагогик технологияларини қўллаш ижобий самара беради.

Педагогик технология - бу бутун уқитиш ва билимларни узлаштириш жараёнида уз олдиға таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифасини қуввчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг узаро алоқасини ҳисобға олиб, билимларни яратиш, куллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир.

Замонавий педагогик технологияларда педагогик жараён уқитишнинг шахсга йуналтирилган технологиялари ва методлари асосида амалга оширилиши лозим. Интерфаол методлар таълим беришда талабаларнинг ахборотларни узлаштириб олиш фаолиятини ташкил қилишнинг махсус шаклидир. Интерфаол уқитишнинг моҳияти уқув жараёнини ташкил қилинишида булиб, бунда барча талабалар билим олиш жараёнига жалб қилинган буладилар, улар узлари уйлаган нарсалар хусусида тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга буладилар. Уқув материални узлаштиришга ҳар бир шахс уз улушини кушади, билимлар, гоҳлар, фаолият усуллари билан алмашинув жараёни кузатилади. Шу билан бирга таълимнинг бу методик шакли узаро бир-бирини куллаб-қувватлаш ва очиккунгиллик муҳитида булиб утади.

Уқитишнинг интерфаол методларини куллашнинг бозор иқтисодиёти шароитида муҳимлигини таъкидлаш уринлидир, чунки бу методлар инсоннинг умумий камолоти учун зарур булган ижтимоий куникмаларни ривожлантиради. Интерфаол усулларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Баҳс-мунозара
- Ишбилармонлар ўйини
- Ролли ўйинлар
- Кейс-стади
- Тренинг
- Дебат
- Ақлий ҳужум
- **Тафаккур синови**
- Кластер

1.7. “Бозор конъюктураси шароитида тижорат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА “КЛАСТЕР” УСЛУБИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

XXI – аср жахон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараккиётида ва айниқса, интеллектуал ривожланишда ката узгаришларга бой давр булмоқда. Ушбу жараёнда мавжуд муаммоларни хал этишда кадрларни уқитиш ва малакасини ошириш долзарб масалалардан бири хисобланади. Бу эса укув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва дарсларни ташкил этишда янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Табиийки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги конуни хамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да янги илгор педагогик технологияларни укув жараёнида куллашга ката эътибор каратилган.

Биз куйида уқитиш жараёнида «Тармоқлар» методи (Кластер) технологиясига тавсифнома бериб, уни мавзуни уқитишда утказиш тартиби тугрисида методик тавсиянома бериб утамиз.


«Тармоқлар» методи (Кластер).

«Тармоқлар» методи – укувчи – талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустикал равишда адабиётлардаги фойдаланишни ургатишга каратилган.

Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия булиб, у укувчиларни бирор бир мавзуни чукур урганишларига ёрдам бериб, укувчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий богланган холда тармоқлашларига ургатади.

Бу метод бирор мавзуни чукур урганишдан аввал укувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш хамда кенгайтириш учун хизмат килиши мумкин. Шунингдек, утилган мавзуни мустваккамлаш, яхши узлаштириш, умумлаштириш хамда укувчиларни шу мавзу буйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

“Бозор конюктураси шароитларида тижрат воситачилик фаолиятининг узига хос жихатлари” “Кластер” усулида ўқитиш



“КЛАСТЕР” УСУЛИ

“Кластер” усули эркин ва очик фикр юритишга имкон беради, укувчининг фикрлаш қобилиятини устиради.

“Кластер”ни тузиш қоидалари:

1. Хаёлингизга келган фикрни ёзинг.
2. Имлога эътибор берманг.
3. Вақт тугамагунча ёзаверинг.
4. Купрок боғланишлар тузинг.

Замонавий педагогик технологиянинг ушбу элементидан белгиланган вақт ичида (масалан, 3 минут укувчи мавзуга оид фикрларни янада такомиллаштириш, купрок излаш, изланиш имкониятларига эга булади.)

1.8. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Баҳолашнинг мақсади - таълим олувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш, таълим жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иши методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчининг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз

ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамиша таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзоро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратилиши лозим бўлади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи қўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб ўлчанади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг катта-кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқали ифодаланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалари, таълим жараёнининг ташкил этиш сифатида ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурининг қисм бўлаклари бўйича мунтазам баҳолаб бориш охир-оқибат аниқ ва адолатли баҳоланиш шаклланишига олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Таълим олувчини мунтазам равишда ўз

натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва истакларини рўёбга чиқаришга ижодий таъсир кўрсатади. Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш ўқувчининг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти хақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

Нима учун баҳолаш керак?

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- Кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражаси

аниқлаш учун;

- Натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;
- Ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- Ўқитувчи ўз фаолиятини тузатишлар киритиши учун;
- Ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- Таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- Таълим олувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- Ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга

ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

- *амалий кўникма ва малакаларни;
- *хулқ-атвор ва шахсий фазилатларни;

Качон баҳолаш керак?

- *Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш)
- *таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш)
- *таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий хусусиятлари;

- *таълим мақсадига йўналганлик;
- *мунтазам ўтказиб бориш;
- *педагогик, психологик ва ҳуқуқий тамойилларга асосланганлик;

*умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни аниқлашчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намоён қилишига қараб мос қўйиладиган балл кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш тамойиллари. Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Текшириш ва назорат қилиш системали, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи унинг қайси билимлари, кўникма ва малакалари баҳоланаётганини билиш керак. Таълим берувчининг соволлари ва вазифаларига жавоб беришга тайёрлик ҳолати билимларни текшириш ва баҳолаш ўқув жараёнининг муҳим бир бўлагига, унинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина рўй беради.

Таълим олувчининг билимлари, кўникма ва малакалари давлат ўқув режаларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширилади ва баҳоланади.

Қуйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигини пойдевори ҳисобланади.

*ўқув мақсадларига асосланганлик

*ҳақиқийлик

*ҳаққонийлик

*ишончлилик

*қулайлик

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижагина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

Таълим оловчи эришган натижалар тўғрисида асосланган ва ишончли ахборотлар бериш керак. Таълим оловчи эгаллаган билим, малака ва кўникмалар ҳамда шахсий фазилатларни ўлчаш имконини берадиган методалардан фойдаланиш зарур.

3. Ҳаққонийлик (объективлилик). Бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест ҳақиқий ҳисобланади. Бу ҳаққонийлик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун ҳам тааллуқлидир. Баҳолаш тизими ўқув мақсадаларига мос бўлиши, шунингдек баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан ўқувчилар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим оловчиларга бир хил мураккабликдаги ва ҳажмдаги топшириқлар берилиши керак.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин, бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Усул ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Баҳолашнинг рейтинг тизими. Рейтинг тизимидаги таълим жараёнида баҳолаш қуйидаги назорат турлари орқали аниқлашиши мумкин:

- Назорат қилиш
- Хулқини баҳолаш
- Амалий билимларни баҳолаш

1. Назорат қилиш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим олувчининг билим кўрсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш;

- таълим олувчини доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни таққослаб бориш;

- таълим олувчининг ўқишга интилишга ва ўзаро беллашишга имкониятини шакллантириш;

- таълим олувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;

- таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш.

2. Хулқини баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим олувчиларнинг дарсларга қатнашиши интизомини яхшилаш ва уларни фанлар буйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш;

3. Амалий билимларни баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим берувчи ва таълим олувчининг ўз қобилиятини олдиндан режалаштириш;

- таълим жараёнининг боришини тезкор таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида зарурий ўзгаришлар киритиш имкониятини яратиш учун.

Баҳолаш «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари укувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларининг назорат қилишнинг “рейтинг тизими тўғрисидаги муваққат низом» асосида амалга оширилади. (УМКХТ марказининг 17 август 192-сонли буйруғи)

Ушбу низомга асосан ўқитиш савияси ва ўзлаштириш даражаси давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат тадбирлари ўтказиш назарда тутилади.

- Жорий назорат (ЖН) –оғзаки сўровлар, семенарлар, ёзма ишлар лаборатория ишлари, уй вазифалари, тест ва шу каби сўров шакллари орқали амалга оширилади,
- Оралик назорат (ОН) – фаннинг маълум бир қисми яқунлангандан сўнг ўтказилади, оралик назоратни ўтказиш тартиби ва шакли таълим муассасининг тегишли кафедралари томонидан белгиланади.
- Яқуний назорат (ЯН)- семестр тамом бўлгандан кейин амалга оширилади.

«5» баллик баҳолаш усулини қўллаганда ҳар бир назорат тури («5», «4», «3», «2» усулида бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

Муайян Фан бўйича ўқувчининг семестр мобайнида тўплаши мумкин бўлган умумий бали (R семестр) максимум 5 бални ташкил қилиб қуйидагича ҳисобланади.

ЖН+ОН+ЯН

Rсеместр =-----

Агар фан бўйича оралик назорат ўтказилмаса,

$$R_{\text{семестр}} = \frac{\text{ЖН+ЯН}}{2}$$

Муайян фан ёки ўқув амалиёти бўйича йиллик умумий балл сифатида семестрларда тўпланган балларининг ўртачаси олинади.

$$R_{\text{йиллик}} = \frac{R1\text{-семестр} + R2\text{-семестр}}{2}$$

Давлат имтихони (аттестация)лар, ихтисослик малака ишлари ҳам курс лойихалари ҳам 5 баллик тури («5», «4», «3», «2») усулда баҳоланади.

Хулоса

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп мартаба такрорланади.

Педагогик технология – бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлигини ошириш вазифасини қўйувчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир. Ушбу битирув ишида таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, “Маркетингни стратегик режалаштириш ва корхоналарда ундан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусини ўтишда янги технологияларни қўллаш хусусиятлари ёритиб берилди.

Кириш қисмида мустақиллик даврида таълим соҳасига қўйилган талаблар ва олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритилган. Жумладан, таълим сифатини ошириш, замонавий талабларга мослашган ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларини қўллаш тадбиқи ҳақида фикр юритилган. Битирув ишининг асосий қисмида Талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантириш учун ўқитувчи янги билимларни ўзлаштирган бўлмоғи керак. Талабаларни янгиликка интилувчан ва бунёдкор инсон сифатида эса тарбиялаш учун эса ўқитувчиларга янги дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда фанни ўқитишнинг замонавий технологиялари зарур бўлади. Битирув иши Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи мисолида бажарилди ва коллеждаги дарс бериш ҳолатлари таҳлил қилинди.

Битирув ишининг асосий қисмида “Иқтисодий билим асослари” фанининг мақсади ва вазифалари, махсус фанларни ўқитиш методикаси, **“Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари”** мавзунинг дарс мақсадлари, мавзуни ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда дастлабки шарт-шароитлар, мавзуни ўқитишда

интерактив усулнинг моҳияти, мазмуни ва афзалликлари, шу мавзуни ўқитишда “Кластер” методини қўлланиши, назарий машғулот технологик харитаси ва дарс ишланмаси, уқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари ва материаллари ёритиб берилди.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлимида коллежларда педагог ходимларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлик масалалари ёритиб берилди.

Умуман, битирув ишини бажариш мобайнида мен ўзимнинг мутахассислик фанларидан ва педагогик фанлардан олган билимларимни янада чуқурроқ ўрганиб, коллежлар амалиётида қўллашни билиб олдим. Ўйлайманки, битирув ишини бажариш мобайнида ўрганган ва мустақкамлаб олган билимларим менинг келажакдаги педагогик фаолиятимга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: ”Ўзбекистон” 2009й.-56 б.
- 2.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон» 2000 й.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
- 4.Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 5.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
- 6.Каримов И.А. Юксак мутахассислар - тараққий омили. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 7.Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат экин. Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
- 8.Макконелл К., Брю С. «Экономикс» 1 том. М-Республика 1992й.
- 9.Ўлмасов А. Иқтисодий асослари (ўқув қўлланма) Т.: «Меҳнат» 1997 й.-222 б.
- 10.Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси (ўқув қўлланма) Т.: «Шарқ» 2003 й.-414 б.
- 11.Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодий ва социологияси (дарслик) Т.: «Ўқитувчи» 2001 й.-479 б.
- 12.Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. -Т.: Фан, 2001.
- 13.Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари: Ўқув қўлланма. – Б.: Муаллиф, 2001.
- 14.А.Холбеков, Ф.Расулов, О.Ахмедов ва бошқалар. Ўқув жараёнига интерактив усулларни татбиқ этиш бўйича қўлланма: Услубий қўлланма /.-Т.: Академия, 2007.

15. Ишмухамедов Р. Абдукодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т.:Истеъдод, 2008.
16. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004.
- 17.Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика: Дарслик. / Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев. –Т.: Ўқитувчи, 2001.
- 18.А.Нишонов, Б.Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003.
- 19.Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукурова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари . Таълим муаммолари.-2003.-№1.
- 20.Зуннов А. Дидактика.)Т.: « Ўзбекистон» 2006 й.- 125 б.
- 21.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси (дарслик) Т- «Меҳнат» 1995й.
- 22.Мамарасулов У. Иқтисодиёт ва бозор муносабатлари. Т-1996 й.
- 23.Шоюсупова Н.Т. Меҳнат социологияси (ўқувқўлланма) Т.: «Ўқитувчи» 2004 й.- 126 б.
- 24.Нарзикулов Р.Н. Инсон ресурслари. (ўқувқўлланма) Т.: «Ўқитувчи» 2004 й.- 190 б.

Интернет сайтлари:

www.cer.uz

www.referat.uz

www.ttesi.uz

www.freenet.uz

www.litera.ru

www.college.ru

www.vgifk.vrn.ru

examen.od.ua

